

**Москва ва бутун Русь Патриархи Кириллнинг архипастирь, пастирлар,  
диаконлар, роҳиблар ва Рус Православ Черковининг  
барча содиқ жамоатига  
Рождество муурожаати**

**Худовандга содиқ архипастирлар, софдил пресвитерлар ва диаконлар,  
Худовандга ихлосли иноклар, кадрли ака-укалар ва опа-сингиллар!**

Шарафли байрам, Муқаддас Рух ва Биби Марямдан танда таваллуд топган Раббимиз ва Ҳалоскоримиз Исо Масих мавлуди – Рождество билан чин қалбдан муборакбод этаман. Бугун биз барчани черков билан якдилликда «*Бутун борлиқ Худовандни мадҳ этсин*» (Исо Масих Рождествоси қонуни кўшиғининг 1-ирмоси) (Исо Масих ) деган ҳолда Худованд ва Парвардигорга мадҳ куйлашга даъват этамиз.

Ўз бандаларини севувчи Раҳимли Яратувчи ўзининг Ёлғиз Ўғли – муштоқ бўлиб кутилган Исо Масихни юбордики, у бизларни ҳалос этсин деб. Худованднинг ўғли *Отасининг бағрида бўлган ягона ўғил* (Юҳаннонинг 1, 18) Инсонни Ўғил бўлади ва Ўз қони билан бизларни гуноҳлардан фориғ этиш учун, ўлим исканжаси инсонни кўрқитмаслиги учун бизнинг дунёга келди.

Биламизки, Масихга тазим қилган сеҳргарлар унга эҳсонлар келтирдилар. Биз Илоҳий Мураббийга қандай эҳсон қилишимиз мумкин? У ўзи биздан сўраган эҳсонни: «*Ўғлим! Қалбингни менга бер, ва кўзларинг менинг йўлларимни кузатсин*» (Ҳикоятлар. 23, 26) Қалбни бериш нима дегани? Қалб – бу ҳаёт тимсоли. У урмай қўйса, инсон ўлади. Қалбни Худовандга бериш – ҳаётни унга бағишлаш дегани. Бундай баҳшида биздан бор-будимиздан воз кечишни талаб этмайди. Биз Қалбимизда Худованд яшашига тўсқинлик қиладиган ундаги барча нарсани чиқариб ташлашимиз даркор, холос. Инсоннинг бутун фикру-зикри ўзининг “Мен”и билан банд экан, қалбда биродарлар учун жой йўқ экан, унга – Худовандга ҳам жой йўқ. Қалбда яқинларимизнинг яшаши, авваламбор, уларнинг ғамини тушуниш, яхши амаллар билан кўмаклашиш орқали намоён бўлади.

Худованд биздан *Унинг йўлини кузатишимизни* талаб этади. Худованднинг йўлини кузатиш – ўз ҳаётида ва инсоният тарихида Илоҳий куч борлигини: Худованднинг севгиси ва Унинг адолатли қаҳри намоёишини кўришдегани.

Ортда қолган йил биз учун XX асрда кечган фожеавий воқеалар ва имонга қарши бошланаётган таъқиб хотираси билан ўтди. Биз Масихга бўлган садоқатини матонат ила намоёиш этган янги жафокашлар ва истиғфор келтирувчиларни хотирладик. Аммо, мамлакат учун дағдағали йилда ҳам Худованд биздан ўз марҳаматини дариг тутмади: икки юз йиллик мажбурий танаффусдан кейин Русь ерида Патриархлик тикланди ва оғир синов йилларида дуолари ила Черковимиз ва халқимиз Худованднинг синовларидан шараф билан ўтсинлари учун Илғор этиб тайинланган етакчи Тихон тимсолида Черков доно ва матонатли қавм йўлбошчисига эга бўлди.

Бугун оғир дамларни бошдан кечиряпмиз: ғам-ғусса дунёни тарк этмади, *узоқ-яқиндан уруш хабарларини эшитмоқдамиз* (Матто 24, 6). Аммо инсон

қавмига ёғилаётган Худованднинг меҳрига бир қаранг! Ёвуз кучларга қарамай тинчлик ҳукмронлик қилмоқда, инсон қалбидаги муҳаббат, оила қадриятларини поймол қилишга, маъносини ўзгартиришга қанчалик уриниш бўлмасин улар барқарор қолмоқда. Яратганга бўлган ишонч кўпчиликнинг қалбида ҳамон яшамоқда. Черковимиз эса, яқин ўтмишда ўнлаб йиллардавом этган қувғин ва бугунги кунда унинг обрўсини тушуришга қаратилган саъй-ҳаракатларга қарамай, Масих билан учрашиш жойи бўлган ва шундайлигича қолади.

Ишончимиз комил, бугунги кун синовларидан ўтамиз, тарихий Русь халқлари ўзларининг маънавий бирлигини сақлаб қоладилар ва янгилайдилар, моддий фаровонликка ва ижтимоий барқарорликка эришадилар.

Исо Масих мавлуди инсоният тарихидаги марказий ҳодиса. Инсонлар доим Худони излаганлар, аммо у Ўзини — Учягона Худони биз инсоният учун мукаммал сиймода –Ягона Ўғил сиймосида намоён қилди. У ер юзига гуноҳкор инсонларни қутқариш учун Ўз жонини фидо қилишга келган: «*Мен сизларга тинчлик қолдирияман. Ўз тинчлигимни сизларга беряман*» (Юҳанно. 14, 27).

Бу йил халқимиз учун, тарихий Русь халқи ва ердаги бошқа халқлар учун тинчлик ва фаровонлик йили бўлсин. Байт-Лаҳмада туғилган Худогўдак бизга қурқувни енгувчи умид, имон орқали инсон ҳаётини гўзал қилувчи Илоҳий севги берсин.

Омин

## **МОСКВА ВА БУТУН РУСЬ ПАТРИАРХИ**

*Иса Масих Рождествоси  
2017/2018 й.  
Москва*